МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

З.М.Исломов. Замахшарий илмий мактабининг Хоразм маданий муҳитининг шаклланишидаги ўрни.....3

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК

A.A.Shehata. الصورة ودورها في تعليمية العربية لغير الناطقين بها.8

Y.Ismailova. الطرائق المعاصرة في تدريس اللغة العربية. 11

И.Усмонов. Ҳаким Термизий луғатшуносликка оид қарашларининг ўзига хос хусусиятлари 15

О.Мадалиева. Матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасига оид ўқув қўлланмалар хусусида 21

А.Й.Маҳмудов. Олмон адабиётида ислом ғояларининг ёритилиши 26

М.Раҳимжонов. Қабртош битигларининг бадиий хусусиятлари 31

Ф.Джуманиязова. “Шоҳиду-л-Иқбол” тарихий асаридаги историзмлар.....35

Ю.А.Садиков. Араб адабиёти ва уни ўқитишдаги муаммолар.....41

Н.Абдурахманова. Абул Баракот Насафий “ал-Мустасфо” асарининг аҳамияти ва манбалари 44

С.А.Ахмедов, Б.М.Бегматова. Араб тилида сўроқ олмошлари ва уларнинг гапдаги вазифалари.....48

АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ

К.А.Жамаҳматов. Мусаввир Жудоий Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти.....52

Д.Т.Бобоназаров. Жамолиддин Зайлаийнинг ҳаёти ва илмий мероси 56

Б.Ботиров. “Ал-Ҳидоя” асарида молиявий ибодатлардаги мажбуриятларнинг ўзига хос жиҳатлари 60

Islom tafakkuri
илмий-маърифий, диний-маданий, ахборот нашри

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:
Музаффар КОМИЛОВ

Нашр учун масъул:
Иродахон ГАФУРОВА

Таҳрир ҳайъати:
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ
Хамида ТЎЙЧИЕВА
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ

Жамоатчилик кенгаши:
Содиқ ТОШБОЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:
Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:
Разия МАТИБАЕВА

Бадиий муҳаррир:
Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iiau.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 18.10.2022 йилдаги 03-07/8015-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ислом тафаккури» журналидан олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари, Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилаётгани сабабли уни ножоиз жойларга ташламанг.

Журналдаги мақолаларда берилган маълумотларнинг тўғри ва оригиналлиги учун муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдирлар.

Босишга 24.10.2022 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

P.S.Rajapov. Turkiyalik ilohiyotshunos olim Husayn Atay ilmiy faoliyati 65

A.To‘xtanazarov, N.J.Yusupova. XX asr ikkinchi yarmida O‘zbekiston musulmonlar idorasi faoliyati 70

МАЪНАВИЯТ ВА ҲУҚУҚ

Н.Тухлиев. Ўзбекистон маънавий рекреация мамлакати..... 77

И.З.Ахроров. Бағрикенглик – имон-эътиқод асоси ва тараққиёт гарови 80

ПЕДАГОГИКА ВА ТАРБИЯ

З.Х.Касимова. Дидактические принципы преподавания религиоведческих дисциплин..... 84

А.Тургунова. Геронтопедагогика ва геронтопедагогик тажрибадан фойдаланишнинг фалсафий тарихий таҳлили..... 87

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

T.S.Jumayev. Ta’lim jaroyonida interaktiv kontentlarni ishlab chiqish 91

A.A.Mahkamov, X.U.Inadullayev. Axborot xavfsizligini ta’minlash dasturiy ta’minotini yaratishda kulrang tasvirni rangli tasvirga o‘tkazish algoritmi 95

ДЖУМАНИЯЗОВА Феруза
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Шарқ мамлакатлари тарихи ва антропологияси кафедраси доценти, PhD

“ШОҲИДУ-Л-ИҚБОЛ” ТАРИХИЙ АСАРИДАГИ ИСТОРИЗМЛАР

ИСТОРИЗМЫ В ИСТОРИЧЕСКОМ ПРОИЗВЕДЕНИИ «ШАХИДУ-Л-ИКБАЛ»

HISTORIZMS IN THE HISTORICAL WORK «SHAHIDU-L-IQBAL”.

Аннотация: *Мақолада Огаҳийнинг “Шоҳиду-л-иқбол” асаридаги историзмларни таҳлил қилишга бағишланган. Улар араб ва форс тили орқали ўзлашган ўзлашмалардан иборат. Огаҳий асарлари лексикаси учун хос хусусиятлардан бири уларда маълум луғавий бирликлар орқали кўплаб янги ясалмалар ҳосил қилинишидир. Улар бугун тарихий қатлам бирликлари саналса-да, эски ўзбек адабий тилининг сўнгги босқичи учун ушбу бирликлар Огаҳий томонидан кенг қўлланилган ўзига хос янги сўзлар саналган. Мақолада дастгоҳ, гарм, бахшиш, ганж каби историзмларга алоҳида тўхталиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Огаҳий, “Шоҳиду-л-иқбол”, историзмлар, тасния, дастгоҳ, гарм, бахшиш, ганж.*

Аннотация: *Статья посвящена анализу историзмов в произведении Агахи «Шахиду-л-Икбал». Они состоят из арабских и персидских заимствований. Одной из характерных особенностей лексики произведений Агахи является то, что многие новообразования в них образуются через определенные лексические единицы. Хотя сегодня они считаются историческими единицами пласта, для последнего этапа староузбекского литературного языка эти единицы считались уникальными новыми словами, широко используемыми Агахи. В статье рассматриваются такие историзмы, как дастгах, гарм, бахшиш, гандж.*

Ключевые слова: *Агахи, «Шахиду-л-икбал», историзмы, тасния, дастгах, гарм, бакшиш, гандж.*

Abstract: *The article is devoted to the analysis of historicisms in Agahi’s work “Shahidu-l-Iqbal”. They consist of Arabic and Persian borrowings. One of the characteristic features of the lexicon of Agahi’s works is that many new formations are formed in them through certain lexical units. Although they are considered historical stratum units today, for the last stage of the old Uzbek literary language, these units were considered unique new words widely used by Agahi. The article focuses on historicisms such as tashka, garm, bakhshish, and ganj.*

Key words: *Agahi, “Shahidu-l-Iqbal”, historisms, tasniya, dastgah, garm, bakshish, ganj.*

КИРИШ

XIX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий ижодининг сўнгги намунаси – “Шоҳиду-л-иқбол” асарининг ягона дастхат нусхаси Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург филиали (инв. № с-572)да сақланади. Ушбу асар Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз ҳукмронлигининг (1865-1873 йиллар) қарийб 10 йиллик даврини ўз ичига олади. Асар XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихий вазиятга Огаҳий муносабатини аниқлаш, муаллифнинг ижодий мактаби тажрибасини кузатиш, Муҳаммад Раҳимхон Соний саройидаги адабий муҳит ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлиш жиҳатидан бой материал беради. Огаҳий тарихий асарлари лексикаси бойлиги билан эски ўзбек адабий тили даврининг сўнгида яратилган асарлардан алоҳида ажралиб туради. Шу жумладан, “Шоҳиду-л-иқбол” лексикони ҳам ўз ва ўзлашма қатлам ранг-баранглиги билан ўқувчининг диққатини тортади. Биз қуйида асардаги тарихий лексикага мансуб бир неча бирликларни таҳлил қилиш билан бирга уларнинг генетикаси ва маъно тараққиётига ҳам тўхталамиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Огаҳийнинг “Шоҳиду-л-иқбол” асаридаги историзмлар асосан икки: араб ва форс тили орқали ўзлашган ўзлашмалардан иборат. Шу нуқтаи назардан асардаги тарихий қатламни таҳлил қилиш бевосита ўзлашма сўзлар тадқиқи билан боғланади. Хусусан, “Шоҳиду-л-иқбол”даги араб тили орқали кириб келган историзмлар ёки муаррабларнинг бир қисмини арабча иккилик шаклидаги отлар ташкил қилади. Бу борада икки хил ҳолатни мушоҳада қиламиз:

Огаҳийга қадар луғавий бирлик сифатида қўлланилган сўзлар. Масалан, *кавнайн, қавсайн,*

тарафайн, баҳрайн, найирайн, сақалайн каби.

Бошқа мумтоз адибларимиз томонидан иккилик шаклида деярли ишлатилмаган, Огаҳий томонидан таснияга солинган сўзлар. Буларда уларнинг иккилик мазмуни аниқ акс этиб туради: *дастурайн, мазкурайн, маъмурайн* каби.

Тасниядаги исм аслида бош келишикда (аниқ ҳолда ҳам, ноаниқ ҳолда ҳам) *-он* (арабчада *-а:ни*ان) шаклида бўлса ҳам, қолган икки келишикда (аниқ ҳолда ҳам, ноаниқ ҳолда ҳам) *-айн* (арабчада *-айни*ىْن)кўринишида бўлади [25:51]. Эски ўзбек тилида таснияшаклли сўзларнинг деярли ҳаммаси *-айн* қўшимчасини олган.

Огаҳий тарихий асарларида кўп ишлатилган таснияшаклдаги сўз таркибли историзмлардан бири *талоқийи фариқайн* فرقين تلاقىдир:"...ўрус черики дағи Самарқанд талаби била юруш қилиб, арода талоқийи фариқайн воқеъ бўлди" (ШИ, 175[a]) "Икки томон тўқнашуви" маъносидаги бу бирикманинг *талоқийи саффайн* (икки саф тўқнашуви), *талоқийи тарафайн* (икки тараф тўқнашуви) варантлари ҳам бор: "...талоқийи саффайн воқеъ бўлди,.." (РД, 346[a]).

*-айн*қўшимчали историзмлардан яна бири *кавнайн* – икки олам, икки дунё, икки борлиқ маъносини англатувчи сўздир:

Кавнайн аро шоҳлиғ ато қил,
Ҳар неки муродидур, раво қил. (ШИ, 6[a])

Мазкур мисол асарнинг наът қисмидан олинган бўлиб, "икки дунё ичра пайғамбар алайҳиссаломга шоҳлиғ ато қил, ҳар қандай муроди бўлса раво қил" дейилиши бежиз эмас. Чунки исломий адабиётлар пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам "Саййиду-л-кавнайн" ёки "Хожаи кавнайн", яъни икки олам хўжаси сифатлари билан улуғланадилар.

Сўфи Аллоҳёр эса "Саботу-л-ожизин"да *Султони кавнайн* бирикмасини ишлатадилар:

Нечукким дўстини ***Султони кавнайн****,*
Етурди соатеда қоба қавсайн.

Мазкур байтдаги *қоба қавсайн* бирикмасидаги таснияшаклидаги *қавсайн* сўзи қуръоний лафзлардан саналади:

Қилиб маскан мақоми ***Қоба қавсайн****,*
Кўруб матлаб юзин би-р-раъси ва-л-айн. (РД. 248[a])

"Факāна қāба қавсайни ав аднā" девонининг додари тождори, бу ерда فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى "Бас, (Муҳаммадга икки камон оралиғидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлди" "Нажм" сураси 9-оятига ишора қилинган.

Ҳарамайну-ш-шарафайн – икки шарофатли ҳарам, яъни Макка ва Мадина Огаҳий "Шоҳиду-л-иқбол"да кенг қўллаган историзмлардан яна биридир: "ҳожию-л-*ҳарамайни-ш-шарифайн* Ҳожи Мухтор..." (ШИ, 35[a])

Шу билан бир қаторда, "Шоҳиду-л-иқбол"да *дастгоҳ* компонентли бир неча историзмларни учратишимиз мумкин. Огаҳий асарлари лексикаси учун хос хусусиятлардан бири уларда маълум луғавий бирликлар орқали кўплаб янги ясалмалар ҳосил қилинишидир. Улар бугун тарихий қатлам бирликлари саналсада, эски ўзбек адабий тилининг сўнгги босқичи учун ушбу бирликлар Огаҳий томонидан кенг қўлланилган ўзига хос янги сўзлар саналган. Ана шундай қўшма сўз компонетларидан бири *дастгоҳ* сўзидир. Эски ўзбек тилида 1) дастгоҳ; қудрат ва имконият; давлат, бойлик; асбоб: 2) амал, мартаба: 3) важ, сабаб [30:465-466] маъноларидаги мазкур сўз Огаҳий асарларида қатор янги сўзлар ясалишида хизмат қилган. Бунда *дастгоҳ* сўзининг қайд этилган кўплаб маънолари ясалма асоси бўлган. Унинг қайси маъноси ясалма асоси бўлганлиги қўшма сўз луғавий маъно ёки маъноларига боғлиқдир. Муҳими, бундай сўзлар матнда муайян бадиий вазифани ҳам бажариши эътиборга олинган.

Нажобатдастгоҳ – улуғ мартабали, аслзода: "...нажобатдастгоҳ, фазилатиктиноҳ, диёнатинтибоҳ, донишмаоб, бинишинтисоб, садоқатоёб, сипоҳи қубоби иззат ва жуб Саййид Муҳаммад Яъқубхожа..." (ШИ, 151[a]) Ушбу ўринда *нажобатдастгоҳ, фазилатиктиноҳ, диёнатинтибоҳ* сўзлари бир томондан ички оҳангдошлик ва иккинчи томондан таносубни таъминлаган.

Ихлосдастгоҳ – ихлосни касб қилган, чин ихлосли: "...Ва даргоҳи жаҳонпаноҳнинг *ихлосдастгоҳ* ва садоқатогоҳ ходимларидин соҳибу-ш-шавкат ва-л-ҳашам Абдуллоҳ маҳрамким..." (ШИ, 156[a]) Ушбу парчада ҳам *ихлосдастгоҳ* ва *садоқатогоҳ* сўзлари ички оҳангдошликка хизмат қилган.

Зафардастгоҳ – ғалабани кор қилган, мудом ғолиб: "сипоҳи нусратпаноҳ ва шужаойи *зафардастгоҳ* хусамойи шақоват-иктиноҳни қатл этиб...". (ШИ, 143[a]) Бу ўринда

эса *зафардастгоҳ* орқали форсий изофага киришган икки сўз оҳангдошлиги таъминган. Музоф ва музофун илайҳ оҳангдошлиги ҳам Огаҳий асарларида жуда кўп қўлланилган услуб саналади.

Бу каби *дастгоҳ* компоненти асосида ҳосил қилинган историзмларни "Шоҳиду-л-иқбол"да кўплаб учратиш мумкин. Шунингдек, биз айрим историзмларни этимологик таҳлилини ҳам амалга оширдик. Чунончи, Огаҳий тарихий асарлари лексикасида, қолаверса, "Шоҳиду-л-иқбол"да нисбатан кенг қўлланган *гарм*сўзини генетик мансублигини аниқлаш борасида айрим хулосаларга келдик:

Гарм. Иссиқ. Эски ўзбек адабий тилига форс тилидан ўзлашган. Ҳозирги ўзбек тилида айни шаклда деярли қўлланмайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилидагармсел, гарма (қовун тури), гармдори, гармиён [30:448] (баъзи узум турларидан махсус усулда тайёрланган майиз) каби сўзлар ҳосил бўлишида асос вазифасини ўтаган ҳолда яшаб келмоқда. Огаҳий тарихий асарларида ушбу сўз анчайин фаол қўлланган. Чунончи, "Шоҳиду-л-иқбол"да ўқиймиз:

Фаррух жамоли меҳрин гарм айлабон қуёшдек,

Қиши мавсимин қилурға фасли баҳор келди.
(ШИ, 57[б]).

Шунингдек, *гарм* Огаҳий тарихий асарларида *гармжавлон, гармгуфтор, саргарм, гармрав* каби сўзларнинг ясалишида асос вазифасини ўтаган. Ушбу сўзнинг генезиси борасидаги тадқиқотлар қуйидаги хулосаларга олиб келди: сўзнинг асосииндоевропа тилидаги *gʷher* [19:7,513] – *иссиқ бўлмоқ, қайноқ, иссиқ* асосига бориб тақалади. Кейинчалик ушбу сўз орийда *ghar, gar* – *ёнмоқ, ёқмоқ* шаклида, қадимги ҳиндийда *gharma* [21:7,513] – *аланга, иссиқлик* тарзида қўлланган.Индоевропадаги *gʷher* асосида *gʷher-mo, gʷhor-mo* – *иссиқ, gʷher-os, gʷhor-os* – *ҳарорат, иссиқлик, аланга* сўзлари пайдо бўлган. Кейинчалик бу сўз бутун европа тилларига тарқалган. Хусусан, юнон тилидаги *ὑέρομαι* – *иссиқликка айланмоқ, иссиқ бўлмоқ* феъли, *ὑερμά* – *қайноқ ўзан, иссиқ ўлкалар* оти, *ὑερμός* – *иссиқ, қайноқ* сифати айни биз таҳлил қилаётган *gʷher* асосида пайдо бўлган. Қолаверса, қадимги ирланд тилидаги *fo-geir* – *исимоқ* феъли, литва тилидаги *gāras* – *буғ,* қадимги прусс тилидаги *goro* [21:7,513] – *иссиқлик,* черков славянидаги *goritь, gorěti* – *ёнмоқ; grějǫ, grěti, grъnь, grъnilo, požarъ* – *олов, аланга;* қадимги рус тилидаги *греть, гореть* [21:7,513] айни асос билан боғлиқдир.

Умумэроний *gʷher* ёки *gʷhormo* ўзаги асосида орийда *ghar-ma,* қадимги ҳиндийда *gharmá* (музаккар жинсда) – *қуёш оташи, олов иссиқлиги, йилнинг иссиқ палласи, кун,* тохар тилидаги *sarme* – *иссиқ* сўзлари пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан, юнон тилидаги *иссиқ, қайноқ* маъносидаги *ὑερμός* сўзининг генезиси ҳам мантиқан ойдинлашади. Ҳозирги кунда европа тиллари, хусусан, немис тилидаги *warm* – *илиқ, иссиқ,* инглиз тилидаги *warm* – *иссиқ, илиқ, илиқ ўлка,* қадимги прусс тилидаги *gorme* – *иссиқлик,* рус тилида ҳам кенг қўлланувчи *термос, жар (жара)* сўзлари айни қадимги юнон тили транзитлиги асосида тарқалган ва у умумэроний *gʷher* асосида юзага келган.

"Авесто"да қўлланган *garəma* [28:246] – *иссиқ, қайноқ* сўзи, қадимги форсийдаги *garma* [15:183] – *иссиқлик, аланга* сўзлари мавжуд бўлиб, улар *garma-pada* [5:120-121] бирикмаси ҳосил қилинишида иштирок этган ва бу бирикма йилнинг энг иссиқ ойлари июнь-июль номи сифатида *аланга ери* маъносида қўлланган. Ўрта форс тилидаги *garm* – *иссиқ, қайноқ,* монавий матнлардаги *grm* [4:42] – *иссиқ,* классик форс тилидаги *garm* [12:203] –*иссиқ, қайноқ, илиқ,* белужийдаги *garm* [6:122] - *иссиқ, илиқ,* курдий, курмонжий ва сўрхийдаги *garm* [31:122] –*иссиқ, қайноқ, қайта тирилган,* сўғдийдаги *yrm* [7.39] *[yarm]* – *иссиқ, қайноқ,* хоразмий тилидаги *yrm [yrmnd* – *сўзи асоси]*– *иссиқ, аланга,* хоразмий тилидаги *cwb yrmncy* [13:198] –*иссиқ сув* сўз бирикмасида, осетин тилидаги *qærm / yar(m)* – *иссиқ, qærmk* [23:266-267] – *ёнмоқ* сўз бирикмасида биз айни таҳлил қилинаётган *garm*нитурли маъноларда ва турли фонетик қобиқда учратамиз. Юқоридаги ушбу таҳлиллар *garm*умумэроний асос эканлиги ва бугунги кунда барча эроний тилларда, қолаверса, барча европа тилларида маълум маъно тараққиётини босиб ўтган ҳолда, сўз ёки компонент шаклида, турли фонетик ўзгаришларга учраб яшаб келаётганини кўрсатади.

Бахшиш. Сўзнингтуҳфа, ҳадя, инъом, садақа, эҳсон, мурувват [30:180] каби маънолари мавжуд. Ушбу шакл ҳозирги ўзбек тилида историзм, лекин бахш шакли

умумистеъмолдаги сўз эканлигини таъкдлаш зарур. Шу сабабдан таҳлил фақат *бахшиш* историзми атрофидалигини ёдимизда тутамиз. Ушбу сўз эски ўзбек тилида кенг қўлланган. *бахшиш* эски ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган деб қаралади ва у *бахш, бахшанда, бахшида* каби сўзлар билан асосдошдир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида унинг *бахш* шакли *бахш этмоқ, оромбахш* каби сўзларда бирмунча фаол“Шоҳиду-л-иқбол”да*бахшиш* сўзини мустақил ҳолатда ёки *бахш* шаклида; *бахш этмоқ, жонбахш, лаззатбахш* каби бир неча сўзлар ҳосил бўлишида компонент сифатида иштирок этганини кузатиш мумкин. Хусусан, “Шоҳиду-л-иқбол”да ўқиймиз: *“*Ва ул ҳазрат анга навозишу *бахшиш* кўргузуб, бир неча муддатдин сўнг муовадат рухсати била сарафроз қилиб,..”(ШИ, 29[a]).

Бахш ёки *бахшиш* хоразмий тилининг илк босқичида *βx-[vaxx-]* шаклида қўлланган ва *совға қилмоқ, бўлмоқ, улуш; бериш; узатиш* маъноларини ифодалаган. “Авесто”да у икки фонетик шаклда учрайди 1) аввалги шакл *bag* [2:921] – *улуш сифатида тақдим этиш; тайинламоқ, белгиламоқ; улуш, улуш сифатида берилиш* маъноларини ифодалаган; 2) иккинчи шакл *baxš* [14:72] – *қисмига, улушига эга бўлмоқ; қисм бермоқ, баҳам кўрмоқ* маъноларини ифодалаган. Демак, форсий тилдан ўзлашган деган *бахш, бахшиш, бахшида* каби сўзлар хоразмий тилида қадимдан мавжуд бўлган. Чунончи, хоразмий тилидаги *β'x(y)n* [3:272-273] – *мен совға қилдим* бирикмаси, *mnβxdy-ü y'bdw* [22:43] – *мулкни у билан бўлишди* бирикмасидаги *βx* биз таҳлил қилаётган *бахш*нинг асосидир. *βyd, fyd* [16:201] – *совға* оти ҳам шу асосдан ҳосил бўлганлигига шубҳа йўқ.

Албатта, хоразмий тили умумэроний тилларга мансуб бўлган, шу сабабдан биз бу ўринда ушбу сўзни хоразмий тилида индоевропа ва орий асосли *bhakš <bag, baj – улушига эга бўлмоқ, бўлмоқ, бўлиб бермоқ, улуш сифатида қабул қилмоқ* сўзига боғлиқ ҳолда пайдо бўлганлиги эътироф этишимиз жоиз. Орийдаги *baxš* қадимги ҳиндий тилидаги *bhakšáyati – қабул қилмоқ, ишлатмоқ, емоқ* сўзининг пайдо бўлишига асос вазифасини ўтаган. Бу *bhakš* асосининг деномитатив маъносидир. Шу маънодан қадимги ҳиндийда *bhakšá – овқат, таом, ичимлик* маъноларини ифодаловчи от ҳосил қилинган. Қолаверса, қадимги ҳиндийдаги *bhakšati* [9:174] – *емоқ, тановул қилмоқ* феълини ҳам шу асосга боғлаш мумкин.

Қадимги тиллар даври тугагач, улар асосида пайдо бўлган тиллар *bhakš <bag, baj* феълининг ўтган замон сифатдош шаклини кўпроқ қўллай бошлаган. Хусусан, индоевропа ва орийдаги ўтган замон сифатдоши *bag-ta,* қадимги ҳиндийдаги *bhaktá – қабул қилинган, совға қилинган* асосида ғарбий эрон тилларида *baxta,* шарқий эрон тилларида *vayda* сўзлари қўллана бошлаган. Феълнинг ҳозирги замон шакли *baxš(a)* деярли ўзгаришсиз истифода этилаверган. Чунончи, ўрта форс тилидаги *baxš (bhš),* монавийлик матнларидаги *bxš : baxt, bxt* [4:29], классик форс, дарийдаги *baxš* : *baxšid, baxšidan-,* тожик тилидаги *baxš* : *baxšid, baxšidan-,*замонавий форс тилидаги *bäxš-: bäxšid-, bäxšidän – 1) совға қилмоқ, бермоқ, тақдим қилмоқ; 2) кечирмоқ, афв қилмоқ, раҳм қилмоқ*маъноларини ифодаловчи сўз фикримизнинг исботидир.

*Ганж.*Бойлик, хазина, кон. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида олтин, кумуш; жавоҳир; хазина; кўчма маънода бойлик, мол-мулк, давлат, қадр-қимматли нарса [30:480] маъноларини ифодалайди. “Шоҳиду-л-иқбол”да ҳам ушбу сўзни фаол қўлланганини кузатдик. Чунончи, “Шоҳиду-л-иқбол”да ўқиймиз: “*Оталиқ ул ҳазратнинг қудуми саодатлузумиға ганжи фаровон, балки жавҳари жонин нисор қилиб,..”* (ШИ, 159[a]). *Ганж*нинг генетик таҳлилини амалга оширганимизда қуйидаги хулосаларга келдик: ушбу сўз хоразмий тили элементларидан бири бўлиб, у хоразмий тилида *yzd – бойлик* шаклида қўлланган. Шунингдек, хоразмий тилида *yzdk* [21:434] *[yazdak] – бой, давлатманд* сўзи мавжуд бўлиб, *yzd* ўзаги асосида ҳосил қилинган. Биз бу сўзни сўғд тилининг монийлик ва христианликка оид матнларида ҳам *yzn* [7:177-178] *[yazn] – хазина, бойлик* шаклида учратамиз [8:182].

Ушбу сўзни “Авесто” ҳамда мидия тилида *ganza – хазина, ganza-bara – бойлик, хазина, дафина* шаклида, қадимги форсийда *ganja-bara* [19:13-14] – *хазина* тарзида қўлланган. Аҳамонийлар таъсирида бу сўзнинг тарқалиш ареали кенгайиб бораверган ва қадимги семит,

юнон, ҳиндий халқлар маданиятига кириб борган. Хусусан, ўрта юнон тилидаги *γαζα* [11:102] - *хазина,* қадимги ҳиндийдаги *ganja* [18:5,315] – *бойлик,* ўрта ҳиндийдаги *ganja* – *хазина, ganjavara* [18:22,149] – *хазинабон,* оромийдаги *gnz'* [23:302-303], *gnzk* [27:69] – *хазина, хазинабон* фикримиз исботи бўла олади. Кейинги даврларда *ganja-bara* ва *ganja* сўзлари барча эроний тилларга тарқала бошлаган. Чунончи, ўрта форс тилидаги *ganj* [20:81], монавийлик матнларидаги *ganz* ёки *gnz* [4:42] – *бойлик,* классик форс тили ва дарийдаги *ganj* [16:35], ҳозирги форс тилидаги *gänj* – *хазина, бойлик,* тожик тилидаги *ganj* – *бойлик, омбор* бақтрийдаги *gänj* – *омбор,* парфиёндагиgzn *[gazn], gzng* – *хазина, gazn-bar* – *хазинабон,* форсий ва ўрта форсий таъсирида курдий, курмонжий ва сўрхийга кириб келган *ganj* [31:369] – *бойлик* сўзлари шулар жумласидандир.

Қадимги фосийдаги *ganja-bara* ёки *ganza-bara* кейинчалик ўрта форс тили даврида *ganjvar* шаклини олган, классик форс тилида эса *ganjur* тарзида қўлланиб, *бойлик қўриқчиси, эгаси, хазинабон* маъноларини ифодалаган. Лекин юқоридаги кузатганимиздек, парфиён тилидаги *ganz-bar* – *хазинабон,* сўғдийнинг буддавийликка оид матнларидаги *yznβr* – *бойлик қўриқчиси, хазинабон* сўзлари қадимий шаклини бирмунча сақлаб қолган. Шу асосда тожик тилида *ganjina* – *бойлик,* оғзаки нутқда *ganjur* – *бойлик эгаси, ганжура* – *хазина, омборхона,* сўғдийнинг христианликка оид матнларида *yzny* [8:182] – *хазина* ҳосил бўлган.

Бугунги кунда кўпгина эроний тилларда *ганжина*нинг арабий шакли *хазина* турли фонетик вариантларда истифода этилмоқда. Хусусан, сарикўлийдаги *yazino, yazino-хипо* – *бойлик, омбор*, *yazang* [29:182] – *уйдаги омборхона* шу жумладандир. Рус тилидаги *казна* – *хазина, казначей* – *хазинабон* сўзлари генезиси ҳам таҳлил қилинаётган умумэроний асосли *ganza* билан боғланиши шубҳасиз.

Қайд этиш лозимки, Огаҳий ҳар уч тил, яъни араб, форс, ўзбек тилининг синоним сўзларидан фойдаланиб мутародифлар тизимини шакллантирган. Мутародифлар тизимида ҳам биз кўпгина историзмларни аниқлашимиз мумкин. Ушбу мумтоз филологияга оид истилоҳ ўзбек тилшунослигида оммалашмагани учун унга берилган айрим изоҳларни қайд этиш ўринлидир. Масалан, Ғиёсиддин Рампурий ёзади: “Бировнинг ортига мингашувчи одам. Маънода бир-бирига шерик бўлган икки-учта сўз. Масалан, ҳар иккаласи ҳам *дил* маъносини англатувчи *фуод* ва *қалб* сўзлари каби” [غیاث اللغات. تألیف غیاث الدین محمد بن جلال الدین بن شرف الدین رامپوری. جلد نخست. الف س. با حواشی و اضافات بکوشش محمد دبیر سیاقی. تهران، چاپ گیلان. ص. ۹۰۳]. Агар маънодош, яъни маъно муносабати билан бир тушунчанинг турли қирралари ифодаси бўлган сўзларни мутародиф уяларга бирлаштирсак, “Шоҳиду-л-иқбол” лексикаси асосида уларни узвлар (ҳар битта сўз бир узв) миқдорига кўра қуйидагича тасниф қилиниши мумкин:

1. Икки узвдан иборат бўлган кичик компонентли мутародиф уялар: *пойбанд* پایبند – *побаст* پابست.

2. Учдан ортиқ компонентдан иборат бўлган мутародиф уялар: *модар* مادر – *она*, *волида*والده(уч компонентли); *хароб*خراب, *вайрон*ویران, *барбод*برباد, *бузуқ* بوزوق; *хома* خامه, *мидад*مداد, *килк* کلک, *қалам* قلم (тўрт компонентли); *ганж*گنج, *ганжина*گنجینه, *хазина* خزینه (кўплиги *хазоин // хазойин*خزائن), *дафина* دفینه, *махзан* مخزن (беш компонентли); лолазор *лола зор*, *гулзор*گلزار, *сабзазор* – سبزه زار, *чаман*چمن, *гулшан*گلشن, *гулистон*گلستان (олти компонентли) ва ҳоказолар. Бундан ташқари “Шоҳиду-л-иқбол”да етти, саккиз, тўққиз, ўн ва ундан ортиқ компонентдан иборат бўлган мутародиф уялар мавжуд. Масалан, *маҳбуб*محبوب, *ёр* یار, *нигор* نگار, *жонон*جانان, *дилрабо*دلربا, *дилбар* دلبر, *дилдор* دلدار, *дилситон*دلستان, *ҳабиб*حبیب; *ҳамнишин* همنشین, *ҳамнафас*همنفس, *ҳамсуҳбат* همصحبت, *ҳамдард*همدرد, *ҳамроҳ*همراه, *ҳамроз* همراز, *дамсоз* دمساز, *ҳамдам*همدم, *надим*ندیم, *асҳоб*اصحاب, *мунис* مونس мутародифлар уяси тўққиз ва ўн бир компонентдан иборат [26:35].

ХУЛОСА

Кўриниб турганидек, ушбу мутародиф уяларнинг деярли барчаси бугун историзмларга айланган. Хулоса қилиб айтганди, “Шоҳиду-л-иқбол”даги историзмларни махсус таҳлил ва тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Чунки муаррих уларни ўз асарида қўллашдан маълум мақсадларни кўзлаган. Ижодкорнинг ана шу мақсадларини очиб бериш, сўзларнинг генетик мансублигини аниқлаш муҳим масалалардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bailey H.W. Dictionary of Khotan Saka. Cambridge-London-New York-Melbourne, 1979.
2. Bartholomae Chr. Altiranisches Werterbuch. Strassburg, 1904 (repr.: Berlin-NewYork, 1979).
3. Benzing J.Chwaresmischer Wortindex (miteinerEinleitung von H.Humbach). Wiesbaden, 1983.
4. Boyce M.A. Word-list of Manichaean Persian and Parthian. Téhéran-Liège, 1977 (ActaIranica, sér. 3, vol. 2, Suppl.).
5. Brandenstein W., Mayrhofer M. Handbuch des Altpersischen. Wiesbaden, 1964.
6. Geiger W. Etymologie des Balüci. — ABAW. 1890, Bd. 19, Abt.
7. Gershevitch I.A. Grammar of Manichean Sogdian. Oxf., 1954.
8. Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. Tehran, 1995. Henning W.B. Das Verbum des Mittelpersischen der Turfanfragmente. — ZII. 1933 (=Henn. SP I, 65-160).
9. Henning W.B. The Khwaresmian Language. — Zeki Velidi Togan'a Armagan. Istanbul, 1955 (=Henn. SP II, 485-500).
10. Hinz W. AltiranischesSprachgut den Nebenflberlieferungen. Wiesbaden, 1975.
11. Horn P. Grundriss der neupersischenEtymologie. Strassburg, 1893.
12. Humbach H. Choresmian. — CLI. Wiesbaden, 1989.
13. Kellens J. Le verbeavestique. Wiesbaden, 1984.
14. Kent R. Old Persian (Grammar, Texts, Lexicon). New Haven, 1950 (2nd ed., 1953).
15. MacKenzie D.N. The Khwarezmian Glossary. — BSOAS. II — 1971, vol. 34, pt 1.
16. Mayrhofer M. Die Rekonstruktion des Medischen. — Anzeiger der phil.-hist. Klasse der Österreichischen Akademie der Wissenschaften, Jahrgang 1968, So. 1. Graz-Wien-Köln, 1968.
17. Mayrhofer M. Etymologisches Wörterbuchdes Altindoarischen. Heidelberg, 1986.
18. Mayrhofer M. Kurzgefaßtesetymologisches Wörterbuchdes Altindischen. Heidelberg, 1953-1975.
19. Nyuberg H.A. Manual of Pahlavi. Pt2. Glossar. Wiesbaden, 1974.
20. Pokomy J. Indogermanischesetymologisches Wörterbuch. Bern, 1959.
21. Samadi M. Das chwaresmische Verbum. Wiesbaden, 1986.
22. Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Т. II. Л., 1973.
23. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, I том. – Тошкент: Фан, 1983.
24. Иброҳимов Н. Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997.
25. Махмудов Р. Огаҳийнинг тарихий асарларида ўзлашмалар. Тошкент. 2022.
26. Оранский И.М. Иранские языки в историческом освещении. М., 1979.
27. Соколов С.Н. Язык Авесты (учебное пособие). Л., 1964.
28. Стеблин-Каменский И.М. Этимологический словарь ваханского языка. СПб., 1999.
29. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006.
30. Цаболов Р.Л. Этимологический словарь курдского языка. Т. I. (A-M). М., 2001.
31. غياث اللغات. تألیف غیاث الدین محمد بن جلال الدین بن شرف الدین رامپوری. جلد نخست. الف س. با حواشی و اضافات بکوشش محمد دبیر سیاقی. تهران، چاپ گیلان. ص. ۹۰۳